

ILMIY-AMALIY JURNAL

ISSN 2181-0958

DOI 10.26739/2181-0958

# YURISPRUDENSIYA

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ | JURISPRUDENCE



1 JILD, 1 SON

2020

# YURISPRUDENSIYA

1 ЖИЛД, 1 СОН

# ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 1, НОМЕР 1

# JURISPRUDENCE

VOLUME 1, ISSUE 1



**Bosh muharrir:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**SALAEV NODIRBEK**  
Toshkent davlat yuridik universiteti  
Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor,  
yuridik fanlari doktori, professor

**Bosh muharrir o'rinbosari:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**RUSTAMBEKOV ISLAMBEK**  
Toshkent davlat yuridik universiteti  
O'quv ishlari bo'yicha prorektor,  
yuridik fanlari doktori, professor;

**YURISPRUDENSIYA JURNALI TAHRIRIY HAY'AT A'ZOLARI**  
**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ ЖУРНАЛ ЮРИСПРУДЕНЦИЯ**  
**EDITORIAL BOARD OF THE JOURNAL JURISPRUDENCE**

**Mas'ul kotib | Ответственный секретарь | Responsible secretary:**  
**NIYOZOVA SALOMAT**

Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish kafedrasida  
professor vazifasini bajaruvchi, yuridik fanlari doktori, dotsent;

**KARIMOV FARXOD**

Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori,  
dotsent, A.Avloniy nomidagi malaka  
oshirish instituti prorektori

**BAZAROVA DILDORA**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Jinoyat-protsessual huquqi kafedrasida mudiri,  
yuridik fanlari doktori, professor;

**IMOMOV NURILLO**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Fuqarolik huquqi kafedrasida mudiri,  
yuridik fanlari doktori, professor;

**NE'MATOV JURABEK**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Ma'muriy va moliya huquqi kafedrasida  
dotsenti, yuridik fanlari doktori, dotsent.

**ISMOILOV SHUXRATJON**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Mehnat huquqi kafedrasida mudiri,  
yuridik fanlari doktori;

**XABIBULLAYEV DAVLATJON**

Toshkent davlat yuridik universiteti Fuqarolik  
protsessual va iqtisodiy protsessual huquqi kafedrasida  
mudiri, yuridik fanlari nomzodi, professor;

**OCHILOV HASAN**

Toshkent davlat yuridik universiteti Jinoyat huquqi,  
kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish kafedrasida  
mudiri, yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

**GAFUROVA NOZIMAXON**

Toshkent davlat yuridik universiteti Xalqaro  
huquq va inson huquqlari kafedrasida mudiri,  
yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

**NARZIYEV OTABEK**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Xalqaro xususiy huquq kafedrasida mudiri,  
yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

**UZAKOVA GO'ZAL**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Ekologiya huquqi kafedrasida mudiri,  
yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

**MUSAYEV BEKZOD**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Konstitutsiyaviy huquq kafedrasida mudiri,  
yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

**MURATAYEV SERIKBEK**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Davlat va huquq nazariyasi kafedrasida mudiri,  
yuridik fanlari nomzodi;

**KAMALOVA DILDORA**

Toshkent davlat yuridik universiteti Sud, huquqni  
muhofaza qiluvchi organlar va advokatura kafedrasida  
mudiri, yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori;

**YUSUPOV SARDORBEK**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Ma'muriy va moliya huquqi kafedrasida  
mudiri, yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori;

**XO'JAYEV SHOJAXON**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Intellektual mulk huquqi kafedrasida mudiri,  
yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori;

**KURBANOV MA'RUF**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Kriminalistika va sud ekspertizasi kafedrasida  
mudiri, yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori;

**Page Maker | Верстка | Sahifalovchi: Xurshid Mirzaxmedov**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


<b>1. Камалова Дилдора Гайратовна</b> ЖИНОЯТ ХУҚУҚИДА РАЎБАТЛАНТИРУВЧИ НОРМАЛАР ВА УЛАРНИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШДАН ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ.....	5
<b>2. Сайидов Рустамбек Абдурасулович</b> МДХ (МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ) ДАВЛАТЛАРИДА ХУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ ИНСТИТУТИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ.....	11
<b>3. Ҳожиев Носиржон Комилович</b> ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУДДАТИ ЎТИБ КЕТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ШАРТЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.....	18
<b>4. Салимов Шерзод Юнусович</b> МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ.....	27
<b>5. Нурмухаммедова Гўзалхон Баходировна</b> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.....	33
<b>6. Муталов Отабек Баҳром ўғли, Жураева Асал Бахтиевна</b> ЎЗБЕКИСТОН, ГЕРМАНИЯ ВА ХИТОЙДА ТОВАР БЕЛГИСИГА БЎЛГАН ДАСТЛАБКИ ХУҚУҚЛАР: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ.....	41
<b>7. Ахроров Адхамжон Асроркул ўғли</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИТОРЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ НОДАВЛАТ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	47
<b>8. Ашурова Нилуфар Ўктамовна</b> ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ЖИНОЯТГА ЖАЛБ ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АСОСЛАРИ.....	53
<b>9. Қаршиев Ғулумжон Сайфуллаевич</b> ОИЛАДА ЁШЛАР РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.....	58
<b>10. Умирзаков Бегзод Атабоевич</b> ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТУРЛАРИ.....	63
<b>11. Каракетова Дилноза Юлдашевна</b> БИР ГУРУХ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН БЕЗОРИЛИК СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.....	69
<b>12. Мырзабаев Қуатбай Бахытбаевич</b> АҚШДА ФЕДЕРАТИВ ИНСТИТУТЛАРГА КИРУВЧИ ДАВЛАТ ҲОКИМЯТИ ОРГАНЛАРИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК МЕХАНИЗМИ.....	75
<b>13. Хусаинова Рано Абдихаликовна</b> ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОГОВОРНЫХ ОТНОШЕНИЙ НА РЫНКЕ ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ ЭНЕРГИИ.....	82
<b>14. Абдукодиров Абдурауф Баходир ўғли</b> БОЛАНИНГ ЯШАШ ХУҚУҚИ.....	89
<b>15. Абдуллаев Хуршидjon Назрулло ўғли</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОР ВА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.....	97
<b>16. Разикова Дилором Кадировна</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЯПОН ТАДҚИҚОДЧИЛАРИ НИГОҲИДА.....	102

# YURISPRUDENSIYA

## ЮРИСПРУДЕНЦИЯ | JURISPRUDENCE

Разикова Дилором Кадировна  
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш  
маркази етакчи мутахассиси  
E-mail: dili\_r27@mail.ru

### ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЯПОН ТАДҚИҚОДЧИЛАРИ НИГОҲИДА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0958-2020-1-16>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши институтлари, жумладан, парламент, сиёсий партиялар, ўзини-ўзи бошқариш органларини фаолиятини ва ривожланиш жараёнларини; мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларни ўрганувчи ҳамда ёритувчи Япониядаги қатор марказларнинг тадқиқотчи-олимлари томонидан билдирилган фикрларнинг бир қанчасини жамлаган. Мақолада асосан Япониянинг етакчи олий ўқув даргоҳлари – Васеда университети, Цукуба университети, Нагоя университети, улар қошида фаолият олиб боровчи илмий-тадқиқот марказларида изланишлар олиб бораётган мутахассисларининг мулоҳазалари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** фуқаролик жамияти, демократия, парламент, кўппартиявийлик, сайлов, “маҳалла” институти.

Разикова Дилором Кадировна,  
Ведущий специалист Центра  
развития гражданского общества  
E-mail: dili\_r27@mail.ru

### РАЗВИТИЕ ИНСТИТУТОВ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА ВО ВЗГЛЯДАХ ЯПОНСКИХ ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ

#### АННОТАЦИЯ

Автор описывает деятельность и процессы развития институтов развития гражданского общества в Узбекистане, включая парламенты, политические партии, органы самоуправления; собрал ряд мнений, высказанных исследователями из ряда центров Японии, которые изучают и освещают социально-политические, экономические и правовые реформы в нашей стране. Статья основана на мнениях экспертов, ведущих исследования в ведущих университетах Японии - университете Васэда, университете Цукуба, университете Нагоя и их исследовательских центрах.

**Ключевые слова:** гражданское общество, демократия, парламент, многопартийность, выборы, институт “маҳалли”.

**Razikova Dilorom Kadirovna,**  
Leading Specialist of the Civil  
Society Development Center  
E-mail: dili\_r27@mail.ru

## DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN IN THE VIEWS OF JAPANESE RESEARCHERS

### ABSTRACT

The author describes the activities and processes of civil society institutions' development in Uzbekistan, including parliament, political parties, self-government bodies; collected a number of opinions expressed by researchers from a number of centers in Japan that study and highlight the socio-political, economic and legal reforms in our country. The article is based on the opinions of experts conducting research at leading universities in Japan - Waseda University, Tsukuba University, Nagoya University and their research centers.

**Keywords:** civil society, democracy, parliament, multiparty system, elections, "mahalla" institution.

Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган мамлакати, аҳоли сони жиҳатдан дунёда 8-ўринни эгаллаган Япония билан 1992 йил 26 январда дипломатик муносабатларни ўрнатган. 2002 йилда Япония билан стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилган. Давлатларимиз ўртасида иқтисодий шериклик бўйича ҳукуматлараро ҳамкорлик кўмиталари мавжуд.

Халқаро ташкилотлар доирасида Япония Ўзбекистон томонидан билдирилган таклиф ва ташаббусларини доимо қўллаб-қувватлаб келган.

Давлатлараро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган парламентлараро алоқалар эса, замонавий халқаро муносабатларнинг ривожланиш динамикаси, даражаси, мазмун-моҳияти ва истиқболларига катта таъсир кўрсатади.

Парламентлараро ҳамкорликнинг аҳамиятини давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга амалга оширган давлат ташрифлари чоғида парламент аъзолари билан алоҳида учрашганда ҳам кўриш мумкин. Чунки парламент аъзолари ўша халқнинг вакиллари ва вакиллар халқнинг орзу-умид ва ниятлари, хоҳиш-истакларини ифодалайди. Парламентлараро ҳамкорлик парламент дипломатиясининг мавқеини юксалтиришга, томонларнинг ўзаро позицияларини яқинлаштиришга, давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига замин яратади. Ушбу ўринда парламентлараро ташкилотлар доирасида ҳам Япония парламенти билан тизимли парламентлараро учрашувлар фалиятимизда мунтазамлик касб этмоқда. Шу боис, парламентлараро ҳамкорлик ҳам тизимли равишда ривожланиб бормоқда.

Япония парламентида Ўзбекистон билан ҳамкорлик гуруҳи, Олий Мажлисида Ўзбекистон-Япония Дўстлик гуруҳи мавжуд. Ўзбекистон – Япония парламентлараро Форумлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Олий ўқув юртлиги ўртасидаги ҳамкорлик ҳам жадал суръатда ривожланмоқда. Нагоя университети ваколатхонаси Япония ҳукумати номидан таълим ва академик тадқиқотлар соҳасида илмий-техникавий кўмак бериб келмоқда.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошида Цукуба, Нагоя, Кеё, Тоёхашу университетлари ҳамда Токио технология институти билан ҳамкорликда “Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази”ни ташкил этиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда.

Кунчиқар мамлакати давлатимиз истиқлолга эришган илк йиллардан юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ва бозор ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ушбу мавзу илмий тадқиқотларда муҳим ўрин тутади.

Япония парламенти депутатлари маъруза ва нутқларида Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар ижобий баҳоланмоқда. Қуйи палатадаги “Либерал-демократик партияси –

Ўзбекистон”[1] ва “Демократик партия – Ўзбекистон”[2] парламент лигалари объектив эксперт хулосаларига таянишни лозим кўрмоқда.

Масалан, **Тояма Киёхико, Япония юқори палатаси депутати, Япония – Ўзбекистон дўстлиги парламенти лигаси бош котиби ўринбосарининг** фикрича, Ўзбекистон барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Мамлакатда тараққиёт ва фаровонлик йил сайин юксалиб бормоқда. Ўзбекистоннинг сайловга оид қонунчилиги билан танишиб, уларда сайлов кампаниясининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Мамлакатда тўртта сиёсий партия учун тенг ва тенг имкониятлар яратилган [3].

Япония **Вакиллар палатаси депутати, Либерал-демократик партиянинг халқаро алоқалар бўйича департаменти директори Кадзунори Танака:** “Ўзбекистоннинг тинчликпарвар, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсатига юқори баҳо бериб, Ўзбекистон билан парламентаризм, савдо, иқтисодиёт каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат. Ўзаро ҳамкорлигимиз барча соҳаларда изчил ривожланаётгани қувонарлидир. Ўзбекистонда парламентаризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар эътиборга молик. Депутатларнинг фаоллигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз”.

Депутат **Накаяманинг** таъкидлашича, Ўзбекистондаги жамоат ташкилотларининг таркибий фаолияти ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ўрганиш япон мутахассислари учун муҳим аҳамият касб этади.

Депутат **Ишикава:** “Фуқаролик жамиятини шакллантириш узок давом этадиган эволюцион жараёндир. Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан таққослаганда, мустақиллик даврида Ўзбекистон барқарор ривожланиб, фуқаролик жамияти, сиёсий партияларнинг родини кучайтирмоқда, мамлакат сиёсий тизимини либераллаштиришда давом этмоқда”.

Мустақил Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнлари кўпгина нуфузли **университетларда** – Кейо (Шигео Кашиваги [4]), Комадзава (Фурушо Хироаки [5]), Ниагата (Шигеки Хакамада [6]), Рюккоку (Эйжи Мано [7]), Токай (Масатака Такешита [8]) зикр этилган олимлар томонидан олиб борилмоқда.

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** фуқаролик жамияти шаклланиши учун энг муҳим ҳуқуқий қомусдир. Асосий қонунимиз Японияда ҳам юксак қадрланади. **Исахая Ёичи, Токио университети илмий ходимининг** фикрича, Конституциямиз мамлакат мустақиллиги, халқ осойишталиги, юрт фаровонлигининг ҳуқуқий асосидир. Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, жамият ва шахс муносабатлари сингари муҳим масалалар тўла ўз ифодасини топган. “Ўзбекистонга ташрифим давомида кўплаб ёшлар билан мулоқотда бўлдим, – давом этади Исahaya Ёичи. – Уларнинг мустақил фикрлаши, кенг дунёқараши, юксак маданияти, ўткир зеҳни, кўплаб хорижий тилларни билиши мени лол қолдирди. Бу Ўзбекистон Конституциясида таълим олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи, фикрлар хилма-хиллиги ва ижод эркинлиги қафолатлангани самараси, деб ўйлайман” [9].

Япония **Ички ишлар ва алоқа вазирлигининг Маъмурий баҳолаш бюроси (омбудсман) директори ўринбосари Сежиро Йошикайо** “Ўзбекистон аҳоли билан мулоқот қилиш бўйича кенг қўламли ноёб ва инновацион лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Давлат Раҳбарининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарини ташкил этилганига бир йил бўлганлигига қарамадан фуқаролардан бир миллиондан ортиқ мурожаатлар келиб тушганлиги бу давлат томонидан фуқароларга ҳар томонлама кўрсатилаётган ғамхўрлик ва халқнинг қатъий ишончидан далолат беради. Шунингдек, кенг қамровли ислохотлар замирида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг

хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Вакили институтини ташкил этилганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишдаги ўзаро тажриба алмашиш юзасидан ушбу ташриф жуда мазмунли ва фойдали бўлди десак адашмаймиз” дея таъкидлаб ўтган [10].

Япониянинг нуфузли олий ўқув юртларидан бири – **Васеда университети**дир [11]. Васеда университети мамлакатимизнинг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети олимлари билан ҳамкорлик қилмоқда [11].

**Томоко Акифуми, Васеда университети доценти** маҳалла – оила институтини мустақамлашнинг муҳим воситаси эканлиги, Ўзбекистонда касаначилик жадал ривожланиб бораётганини таъкидламоқда. “Касаначилик, айниқса, аёллар ўртасида кенг оммалашган. Бу уларга уйда меҳнат қилиш ва натижада муайян даромад топиш, айни пайтда, уй-рўзғор юмушлари билан шуғулланиш ва фарзандларини тарбиялаш имконини берадиган ажойиб механизмдир. Яъни, аёллар рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда меҳнат қилиши мумкин. Менимча, бу оила фаровонлигини ошириш ва умуман, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилади” [12].

Шунингдек, Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти директори раҳбарлиги остида Японияга уюштирилган сафарнинг ҳам асосий мақсади ўзини-ўзи бошқариш органларининг ижтимоий назоратни амалга оширишдаги ролини Ўзбекистон ва Япония мисолида кўриб чиқиб тажриба алмашиш бўлди.

Ушбу саёҳат жараёнида ўзбек делегацияси қатор япон профессор олимлари хусусан, **М.Кайго** (Ижтимоий соҳадаги қиёсий тадқиқотлар Институти директори), **Й.Такенака** (Цукуба университети гуманитар фанлар факультети декани), **М.Оно** (Цукуба университети Марказий Осиёни ўрганиш маркази директори), **А.Шиоя** (Цукуба университети профессори) билан фикр алмашишди.

**Акифуми Шиоя, Цукуба университети ижтимоий ва гуманитар фанлар профессорининг** таъкидлашича, япон тадқиқотчилари Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги ислохотларни катта қизиқиш билан кузатишади. Шу нуқтаи назардан, бу сафар доирасида ўтказилган давра суҳбатида олти миш кишидан ортиқ кишининг иштирок этиши Ўзбекистоннинг улкан жозибаторлиги, унинг тарихи ва маданияти, мамлакат тараққиётининг ҳозирги динамик босқичига қизиқиш ортиб бораётгани, яқин икки томонлама ҳамкорликдан дарак беради. Япон олими мамлакатимиздаги фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини ўрганишга ва ушбу йўналишда тажриба алмашишга тайёрлигини айтиб ўтди [13].

Ўзбекистондаги ўзини-ўзи бошқариш институти тизими Япониянинг яна бир илғор олий ўқув юртларидан бири **Хоккайдо университети** профессори **Масато Хиватари** томонидан ҳам ўрганилмоқда. М.Хиватари 2001 йилдан бери “маҳалла” институтининг Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини баҳолаш мақсадида тадқиқотлар олиб бормоқда. Жумладан, у аҳолининг молиявий жамғармаларини шакллантиришда “гап” учрашувларининг ролини ўрганиб, маҳалла ва қариндошлик муносабатлари (peer effect)нинг миграцияга таъсирини баҳолайди. У ўз тадқиқотларни Андижон вилоятидан 567 оила мисолида олиб борди [14].

Япониялик олим ўз тадқиқотида жамиятни ривожлантириш, тармоқлар таҳлили, Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти, ўтиш иқтисодиёти, миграция масалаларини чуқур таҳлил қилмоқда.

Япон тадқиқотчи олимлардан ташқари Япония парламенти депутатлари ҳам ўзбек “маҳалла” институти аҳамияти тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтишган. Масалан, депутат **Мацубаранин**г таъкидлашича, ноёб тизим ҳисобланмиш “маҳалла” институти аҳолининг кундалик масалалари ва муаммоли вазиятларни ҳал қилишга ёрдам беради, тинчлик ва яхши кўшничилик муносабатлари учун шароит ва муҳит яратади [15].

Цукуба университети профессори **Ютака Цужинаканин**г таъкидлашича, келажакда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши жаҳон даражасига кўтарилди. Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари кучли



ва мустақил фуқаролик жамиятини яратиш ва ривожлантиришда, экологик муаммоларни ҳал қилишда, жамоатчилик ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилашда қатнашадилар. Унинг сўзларига кўра, маҳалла келажакда Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Шунингдек, **Осака университети** профессори **Наото Ямаучининг** таъкидлашича, Ўзбекистон фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида улкан ютуқларга эришиб, барча соҳа жадал тараққий этмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш тизими яратилган. Аини пайтда Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган тажрибасини чуқур ўрганиш зарур. Японияда ҳам ННТ давлат ҳамда жамият ҳаётида катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари, кўплаб мамлакатлар учун долзарб ҳисобланган ННТда менежментни яхшилаш, кўнгиллилар ҳаракатини янада ривожлантириш, демократик институтларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фуқаролик жамияти салоҳиятини юксалтириш, нодавлат ташкилотлар ходимларининг профессионал билим ва малакасини ошириш, тегишли қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида олға силжиш кузатилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлар ролини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда” [16].

**Нагоя университети** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси [17], Тошкент давлат юридик университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан ҳамкорлик қилмоқда [18]. (Тошкентда Нагоя университети ваколатхонаси ишламоқда [19]). Мазкур япон университетиде, шу жумладан, мамлакатимиздаги парламентаризм, кўппартиявийлик тажрибасига кўп эътибор қаратилмоқда.

“Ўзбекистонда парламент назорати тажрибасини ўрганиб, депутатлар ва сиёсий партиялар фракциялари ўз сайловчилари манфаатларини самарали ҳимоя қилаётганининг гувоҳи бўлдик, – деди **Нагоя университети ҳуқуқ профессори Кубояма Рикия**. – Буларнинг барчаси мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришда сиёсий партиялар ролини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда”[20].

Кубояма Рикиянинг таъкидлашича, Ўзбекистонда 2015 йилнинг август ойида озодликни чеклаш кўринишидаги янги жиной жазо тури, яъни суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлаш ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашнинг жорий этилгани мамлакатда жиной жазолаш тизимини инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш, судланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларнинг оилалари билан алоқаларини сақлаб қолиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир [21].

**Минори Окочи, Нагоя университетининг** юридик факультети доценти: “Экоҳаракат учун депутатлик квотасини жорий этиш минтақадаги мураккаб экологик вазият сабабли жуда зарур эди. Энди ушбу ҳаракат мамлакат олий қонунчилик органида сиёсий партиялар каби ҳуқуққа эга бўлади. Бу, ўз навбатида, экология ва саломатлик масалаларини янада самарали ҳал этиш имконини беради”.

Ўзбекистонни ўрганадиган бошқа йирик марказ – **Цукуба университети** ҳисобланади. Университетда мамлакатимизда демократик ислохотларни ўрганадиган Марказий Осиё тадқиқотлари маркази фаолият юритмоқда [22]. (Даргоҳ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан ҳам изчил ҳамкорлик қилмоқда [23]).

**Акифуми Шиоя, Цукуба университети профессорининг** фикрича, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги демократия тамойилларига мувофиқ. Сайловларда адолатлилик, очиклик, ошкоралик принципларига тўлиқ риоя этилишига, сайловчиларнинг эркин иштирокини таъминлашга, сиёсий партияларга тенг шароит яратишга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Умуман, сайловлар барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқларни янада юксалтириш, халқнинг фаровонлигини ошириш, ислохотларни чуқурлаштириш йўлида муҳим ўрин тутди [24].

**Токио қишлоқ хўжалиги ва технология университетида** (Тору Тераока, Хаджиме Фуго [25] ва б.) ҳам йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Йошико Кавабата** [26], **Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университети профессорининг** хулосаларига кўра, мамлакатимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқининг амалда ижросини таъминлаш мақсадида халқаро талабларга тўла жавоб бера оладиган сайлов тизими яратилган. Оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган мақолалар, теле-радио каналлари орқали намоиш этилаётган аксарият кўрсатув ва эшиттиришлар сайловга бағишланган, кўчалар ва биноларда депутатликка номзодларнинг плакатлари ҳамда сайловчиларни овоз беришга чорловчи шиорлар осилган. Депутатликка номзодлар ичида хотин-қизлар вакилларининг кўплиги мамлакатингиз сайлов тизимидаги ютуқлардандир. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлигига номзодлар орасида хотин-қизлар учун 30 фоиз квота белгилангани мамлакатингизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий самарасидир. Ўзбекистонда бу борада эришилган ютуқларга ҳавас қилса арзийди [27].

Мамлакатимиздаги ислохотларни тадқиқ этиш **Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти** [28], **Шарқий Осиё тадқиқотлари институти** (Укеру Магосаки[29] ва б.) томонидан олиб борилмоқда.

Умуман олганда, Японияда Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти борасидаги тадқиқотлар давлатимиз раҳбари томонидан танланган йўлнинг тўғрилиги, амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг самарадорлигини тасдиқлайди. Бу ўз навбатида, жаҳон жамоатчилигига мамлакатимиздаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳақиқатни етказишга кўшимча имконият яратмоқда.

Кунчиқар мамлакатнинг улкан молиявий сармоявий ва илмий-техник салоҳияти уни 2017-2021 йилларда Ўзбекистоннинг Ҳаракатлар стратегияси дастурларини амалга оширишда ва мамлакатни кейинги ривожланишида муҳим шериклардан бирига айлантиради.

Шу муносабат билан айтиш мумкинки, Япония Ўзбекистон учун стратегик ва ишончли шерик бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Япония давлатимизнинг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва модернизация жараёнларини қўллаб-қувватлаб келади.

Умуман олганда, икки мамлакат ўртасидаги дўстона ва ишончли муносабатлар савдо-иқтисодий, инвестицион, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ва прогрессив ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам ва қулай замин яратади. Икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш Ўзбекистон ва Япониянинг миллий манфаатларига жавоб беради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2008. – №1. – Б.65.
2. Узбекистан-Япония: укрепляя многовековые связи и сотрудничество на современном этапе. 28 апреля 2012 г. // “Жаҳон” ахборот агентлигининг веб-сайти – [www.jahonnews.uz](http://www.jahonnews.uz).
3. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дунё эътирофига сазовор бўлмоқда. 2014 й. 20 декабрь // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)нинг веб-сайти – [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
4. Молиячилар тажриба алмашди. 2015 й. 18 ноябрь // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
5. Маданият қарвон саройидаги маҳорат сабоқлари. 2013 й. 11 сентябрь // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
6. “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида. 2013 й. 31 июль // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

7. Ўзбекистонда фан, таълим ва маданият жадал ривожланмоқда. 2014 й. 22 май // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
8. Қадим ва бой тарих – буюк келажак пойдевори. 2014 й. 20 май // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакат тараққиётининг ҳуқуқий асосидир. 2013 й. 2 декабрь // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
10. Ўзбекистон ва Япония ўртасида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ташкил этиш муносабатларининг янги босқичи. <http://parliament.gov.uz/>
11. «Молодежь Узбекистана демонстрирует высокий уровень знаний, грамотности и конкурентоспособности». 15 февраля 2012 г. // [www.jahonnews.uz](http://www.jahonnews.uz).
12. Маҳалла – оила институтини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси. 2012 й. 3 декабрь // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
13. Узбекистан и Япония обмениваются опытом в развитии гражданского общества <https://www.un.int/uzbekistan/fr/news/>
14. Ўзбекистон ва Япония илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш борасида тажриба алмашмоқда. // <https://review.uz/oz/post/uzbekistan-i-yaponiya-obmenivayutsya-opiytom-v-razvitii-nauchno-issledovatel'skoy-deyatelnosti>
15. Uzbekistan strengthens civil societies, says Japanese experts. <http://uzdaily.com/en/post/12631>
16. Ижтимоий шериклик: Миллий ва хорижий тажриба. 2016 й. 26 май // [xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/7659-izhtimoiy-sheriklik-millij-va-khorizhij-tazhriba](http://xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/7659-izhtimoiy-sheriklik-millij-va-khorizhij-tazhriba)
17. Салоҳиятли кадрлар – мамлакатимиз келажаги. 2014 й. 18 июнь // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
18. Узбекистан – Япония: 20 лет плодотворного сотрудничества. 28 января 2012 г. // [www.jahonnews.uz](http://www.jahonnews.uz).
19. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик самараси. 2010 й. 11 март // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
20. Самарали парламент назорати – тараққиётнинг муҳим омили. 2015 й. 25 май // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
21. Судда инсон ҳуқуқларини таъминлаш: миллий ва хорижий тажриба. 2015 й. 22 сентябрь // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
22. «День культуры Узбекистана» в Цукубе. 23 августа 2013 г. // [www.jahonnews.uz](http://www.jahonnews.uz).
23. Укрепляется узбекско-японское сотрудничество в области образования. 12 ноября 2011 г. // [www.jahonnews.uz](http://www.jahonnews.uz).
24. Ватанпарварлик, аҳиллик ва демократия намоиши. 2015 й. 29 март // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
25. Брифинг в Японии, посвященный «Году семьи». 31 мая 2012 г. // [www.jahonnews.uz](http://www.jahonnews.uz); «Молодежь Узбекистана демонстрирует высокий уровень знаний, грамотности и конкурентоспособности». 15 февраля 2012 г. // [www.jahonnews.uz](http://www.jahonnews.uz).
26. Билим ва маънавият ўчоғи. 2008 й. 23 август // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
27. Ўзбекистонда халқаро талабларга тўла жавоб берадиган сайлов тизими яратилган. 2014 й. 15 декабрь //
28. Сўз – конференция иштирокчиларига. 2010 й. 12 апрель // [www.uza.uz](http://www.uza.uz); ; В Японии отметили 20-летие дипломатических отношений. 12 апреля 2012 г. // [www.jahonnews.uz](http://www.jahonnews.uz); ; Узбекистан–Япония: Новые возможности инвестиционного сотрудничества. 13 августа 2011 г. // [www.jahonnews.uz](http://www.jahonnews.uz).
29. “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида. 2013 й. 31 июль // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

# YURISPRUDENSIYA

1 ЖИЛД, 1 СОН

# ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 1, НОМЕР 1

# JURISPRUDENCE

VOLUME 1, ISSUE 1

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000